

## Тақво либоси яхшидир



17:44 / 03.05.2018 5843

**Эй Одам болалари! Батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини туширдик. Тақво либоси - ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят(белги)ларидандир. Шоядки, эслатма олсалар.**

Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири либосдир. Одам авратини - айбини беркитиб туриши учун Аллоҳ таоло унга либос ато қилган. Либоснинг зарури авратни пинҳон тутадиганидир. Лекин Аллоҳ инсоннинг авратдан бошқа аъзоларини ҳам тўсиш эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, либосни зийнат тарзида нозил қилди. Худди шундай - либосни ўз ўрнида, яъни шариатга мувофиқ истеъмол қилган инсон зийнатли ҳисобланади. Аммо энг асосий либос тақво либосидир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло оятда:

**«Тақво либоси - ана ўша яхшидир»,** – демоқда.

Агар оддий либос баданнинг авратларини тўсиб, жисмни зийнатласа, тақво либоси маънавий авратларни тўсиб, инсон қалбини зийнатлайди. Агар инсоннинг кийим-боши жисмидаги авратларини пинҳон тутиб, унга зийнат бағишласа-ю, тақво либоси йиртилиб, маънавий авратлари очилиб турса, бундан ҳеч қандай маъно йўқ. Ҳозирги кунда кўплар ўзининг тақво либоси башанглигини даъво қилиб, устки авратларининг очилиб қолганига эътибор бермасликка чақиради. Бу жоҳилликдан ўзга нарса эмас. Агар кимнинг тақво либоси ўрнида бўлса, албатта, жисмоний либоси ҳам дуруст бўлади. Зеро, ҳар икки либосни – ҳам ҳиссий авратни тўсадиган либосни, ҳам тақво либосини нозил қилиш:

**«Ана ўшалар Аллоҳнинг оят(белги)ларидандир».**

Яъни кийим-бош, мону мулк ҳам ўрни келганда, Аллоҳнинг оят-белгиси ҳисобланади. Ундан ибрат олиш шарт. Шунинг учун Аллоҳ таоло оятнинг сўнгида:

**«Шоядки, эслатма олсалар»,** – демоқда.

Одам алайҳиссалом қиссаси тугаганидан сўнг ул зотнинг зурриётларини олий фазилатларга чақириб келган ушбу ояти каримадаги

**«Эй Одам болалари!»** деган хитоб шу каби тўрт нидонинг аввалидир. Бу дастлабки нидо кийим-бошга боғлиқ. Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ таоло кийим-бошни инсонга авратини тўссин, ўзини тузатсин, деб берган. Аммо барча соҳада ҳаддида турмаган одам бу ўринда ҳам турли бузуқликларга йўл қўйди. Баъзилар кийим-бошни фахр ва ғурур воситаси, иккинчилари уни ҳаётдаги асосий мақсад қилиб олди. Қадр-қийматни ҳам кийим-бош билан ўлчай бошлади. Учунчилари кийимни тор ва юпқа кийиб, ундан кўзланган асосий мақсадни суиистеъмол қилишга киришди. Хусусан, тарбиясиз аёллар либосни айни авратни бўрттириб кўрсатиш учунгина киядилар. Бу ҳол юксак инсоний шарафни ерга уради.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**

*(Тафсири Ҳилол китобидан)*